

## ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА МЕХРИБОНЧИЛИК-ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ ТИМСОЛИ

**Н. Э. Султонова**

ТАҚУ, “Фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фанлар” кафедраси доценти, PhD

### АННОТАЦИЯ

Мақолада бу олий ҳис-туйғу меҳр-муҳаббат бутун дунё халқларида содир бўладиган инкситив (ички ҳис-туйғу) ҳолат бўлиб, меҳр-муҳаббат тушунчаларини қадимги даврдан бугунги кунгача ўрганилиши таҳлил этилган. Ёш авлодни таълимга, илмга, китобга, меҳр-муҳаббати, қадрият ва анъаналарга содиқлик туйғуларини шакллантириш асосий мақсадлардан биридир.

**Таянч сўзлар:** меҳр, севги, муҳаббат, ахлоқ, китоб, инсон, инсонпарварлик, ватанпарварлик, дўстлик, таълим тизими, одоб-ахлоқ, миллий қадриятлар.

### КИРИШ

Ўзбек оилаларида онанинг меҳр-муҳаббати бўлганидек, фарзанднинг кекса ота-онасига меҳри қандай бўлади деган савол инсонни кийнайди. Ўзбекистонда кексаларни қадрлашдан иборат халқимизга хос асрий анъаналарни, оилаларда тинчлик ва тотувлик, жамиятда барқарорлик муҳитини шакллантиришга, жамиятни тубдан ўзгартиришда, соғлом авлодни тарбиялашда, бой касбий ва ҳаётий тажрибанинг, эзгу анъаналар ҳамда маданий қадриятларнинг узвийлигида ва уларни ёшларга етказишда кексаларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш, болалар ва ёшларни ота-оналар ҳамда кексаларни иззат-хурмат қилиш, қадрлаш ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш руҳида тарбиялаш ва таълим бериш тизимини такомиллаштириш-энг олий қадрият эканлиги айтилади. Энг аввало қарияларни эъзозлаш тушунчасини фарзанд тарбиясидан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шарқ мамлакатлари яшаш тарзида қадриятлари, одатларини ўрганиш жараёнида “меҳр-муҳаббатнинг феномени” инсоннинг ушбу хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, бунда “4+6 қадрияти” формуласи ишлаб чиқилди. Тўрт одат меҳр-муҳаббатни пайдо қилади: 1. Севги тўла кулги. 2. Яхшилик қилиш. 3. Самимийлик. 4. Кўмаклашиш. Инсонларнинг қалбидаги ҳис-туйғулари шаклланиб урф-одатга айланади, улар шаклланиб

қадриятларни келтириб чиқаради. Бу куйидаги тўрт қадрият қаҳрамонлик белгисидир : 1. Мардлик. 2. Дилозорлик қилмаслик. 3. Яхшиликни мукофотлаш. 4. Хатосига жазолашни кечиктирмаслик. Тўрт қадрият 4 ҳаракат туфайли қўлдан кетади: 1. Ризқ - ношукурлик қилсанг. 2. Қувват - ҳасад қилсанг. 3. Фурсат - қадрига етмасанг. 4. Обрў - манманлик қилсанг қўлдан кетади. Тўрт қадрият соғлом фикрлаш белгиси саналади: 1. Эртани кўра олиш. 2. Сир сақлашни билиш. 3. Охиригача курашиш. 4. Маслаҳатлашиб иш кўриш. Тўрт қадрият сизни тўрт неъматга етказди: 1. Сабр - орзуларингизга. 2. Ғайрат - омадга. 3. Ибодат - тақвога. 4. Қаноат - муҳтожлик кўрмасликка. [1:54] Инсонларларни шарқ олимларимиз “ақлли мавжудот” сифатида ўрганиб ижтимоий-антропологик жихатдан тўрт хил хусусиятга бўлиб ўрганадилар:

1.Ўзининг айбини кўрмайди, ўзгаларникини кўради. Бундайлар одатан худбин, мутакаббир кишилар бўлади. Бу турдагилар нафсларига қул бўлишади. Улар ўзларини доимо ҳақ деб ўйлашади.

2. Ўзининг айбини кўради, ўзгаларникини кўрмайди. Бу турдаги шахслар ўзларидан бўлак ҳаммани аллома деб ўйлашади. Ўзларини эса мутлоқ нотўғри йўлдан деб, ўзидан бошқа ҳар қандай инсонга эргашаверишади. Натижада истаган инсон уларни алдаб, адаштириб кетаверади.

3. Ўзининг айбини ҳам, ўзгаларнинг айбини ҳам кўрмайди. Бу навдаги кишилар бефаросат, бефаҳм, тентак кишилар бўлишади. Булар дунёдаги ўз вазифаларини унутиб, дунё ҳаёти бор йўғи ўйин-кулгидан иборат деб ўйлашади.

4. Ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам айбини кўра биладиганлар. Бу тоифадагилар оқил, олим, олий фаросат соҳиби ва кимга эргашишни биладиган закий инсонлардир. Уларнинг кўзларини на шахс муҳаббати, на мол-дунё муҳаббати кўр қилмагандир. Улар ҳар қадамларида ҳақни излайдилар. Улар ўзларидаги айбни пайқаган заҳотлари ўзларини ислоҳ этадилар. Ўзгалардаги хатони кўрганларида уларга холис насихат қиладилар. Айб қилиб, айбини тан олмайдиган, насихатга қулоқ тутмайдиганларни тарк қиладилар.

Мухиддин ибн Арабийнинг ”Инсон насихатни навсинга қил, инсонлар олдин ишинга боқарлар, сўзларинга эмас” инсон ҳақида ва унинг хис-туйғуси, одоб-ахлоқи, навсини тийиб олиши, меҳр-муҳаббатни олий хис-туйғу сифатида қадрлаш кераклигини таъкидлаган.

Олим Маҳмуд Аз-Замахшарий ўз асарларида бу тўрт қадрият юксак маънавият-маърифат белгиси сифатида талқин қилади. Бу тўрт қадриятга амал қилган инсонлар комил маънавиятли инсон саналади. Меҳр-муҳаббатнинг қадриятлари инсонни

улуғланиши, камол топиши учун, ҳаётга гўзал боқиши, яшашни севиши, инсонларга меҳр-муҳаббатли бўлиши, самимийлик хислатларининг инсонга жам бўлишини кўрсатиб беради. Маҳмуд Аз–Замахшарий мақтовга, ёлғонга гурур, эзмалик ва сафсатабозликка берилмасликка чорлайди: "Агар кимдур ўзини келиб чиқиши билан мақтанса, бу сароб каби зоҳирийдир", "Ҳақиқат ва номус йўли ўрмондаги арслон қадами билан тенглашади", "Тил орқали (руҳий) мадад моддий мададдан устундир"[2:28] деган умуминсоний ва комиллик сифатлар орқали эришиш мумкин бўлган ирода ҳақида, инсониятни фаровонлик ва хотиржамликка, сабрлиликка интилиши ҳақида ёзиб қолдирган.

Меҳр-муҳаббат антропологиясида инсоннинг буюклиги, қалбидаги инскти башарият учун манфаатли ишларни амалга ошира олганлиги боис ҳам юксакдир. Инсондаги олий хис-туйғу унинг юрак қалб жараёнларининг амалга ошиши билан боғлиқ албатта. Лекин, ҳар қандай муҳитда дилида имон-этиқодини асраб-авайлиши, инсониятнинг ботиний буюклигидир.

Кўнгил учун айтилган икки оғиз сўзнинг қудрати шундаки, у инсон кайфиятини кўтариб, яшашга бўлган ишончини мустаҳкамлаб, саховатли ишларга ундайди. "Бошқалардан "Менга меҳр бер" деб сўраш ўрнига, меҳр беришни бошланг. Меҳр сўраш ҳақида унутинг, шунчаки, меҳр бераверинг - берганингиздан ҳам кўпроқ меҳр оласиз."

Инсон фалсафасида диний асарларимизда, Хадисларда "Мусулмон киши биродарлари ва яқинлари билан учрашганда, одамлар қаршисидан ўтаётганда, бирор мажлис ёки жамоат жойига кирганда «Ассалому алайкум!» (Сизга тинчлик ва омонлик бўлсин) деб салом бериши зарур. Саломни янада тўлиқ ва чиройли қилиш учун «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатух» дейилади. Алик ҳам шунга яраша мукамал бўлиши керак. Салом бериш Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмалари (суннат), унга алик олиш эса Аллоҳ таолонинг буйруғи (фарз) ҳисобланади. Дарҳақиқат, меҳр-муҳаббат антропологиясида инсоннинг қалби бошқа инсонларга меҳрли бўлсагина шаклланади. Қачонки этносларда меҳр-муҳаббат хис-туйғуси қалбида бўлмас экан, ёвуз иллатларни шакллани инсонга бўлган нафрати саломлашиш жараёнига ҳам салбий таъсир кўрсатади. [4:65]

Ҳасан Басрий ўз асарларида Дунё ҳаёти уч кун: кеча, бугун, эрта. Кеча ўтди, эртанинг бўлиши номаълум. Шундай экан, бугунги кунни қадрлаш, ҳар бир кунимизни меҳр-муҳаббат билан ўтказиш, яхши яшашни ўрганиш, ҳаётни севиш билан белгиланади.

Барчамиз ҳаётимиз давомида инсонлар билан муносабатга киришар эканмиз, ушбу муносабат доирасида



турли психологик ҳолатларни бошдан кечирамиз. Жумладан, бирор инсон билан зиддиятга бориб қолганимизда унга нисбатан жаҳл, нафрат, адоват, кек каби яхшиликка олиб бормайдиган зарарли туйғуларни юрагимиздан ўтказамиз.

Олимларнинг фикрича адоват ёки кек сақлаб юриш инсон саломатлиги учун зарарли бўлиб, юрак-қон томир ва иммун тизимининг бузилишига туртки бериши мумкин. Бундан ташқари инсонда депрессия, хавотир, жиззакилик каби муаммоларни келтириб чиқарар экан. Психологлар бундай ҳолатдан чиқиб кетишнинг йўли инсон кечиримли бўлишга ҳаракат қилиши кераклигини таъкидлашади. Кечиримли бўлиш инсонлар ўртасидаги яхши муносабатларни таъминлашга ҳамда уни мустаҳкамлашга кўмак беради. Кечиримли бўлиш анча қийин иш бўлсада аммо уни ўзлаштира бўладиган санъатдир. Авф этишни икки турга ажратишади. Ташқи “беихтиёрий” (инсон кечиради аммо уни хафа қилган одамга келажакда муносабати ўзгаради) ва ички “эмоционал” кечириш (инсондаги ички нафрат ва хавотирнинг ижобий туйғуларга яъни ачиниш ва ҳамдардлик каби хисларга айланади). Ташқи беихтиёрий кечириш ўзаро муносабатларни тиклашда анча муҳим саналса, ички эмотсионал кечириш эса бизнинг жисмоний ва руҳий саломатлигимиз учун ўта муҳим ҳисобланади.

Буюк файласуф олимларимиз: Касал болани даволашнинг энг осон йўлини кўрсатар эканлар онанинг меҳр-муҳаббат антропологиясини баён қиладилар: Бола касал бўлганида онанинг кўнглига ҳеч нарса сиғмай қолади. Болани даволаш учун палон пуллик дориларга пулини ҳам, шифокорлар қабулига тушиш учун вақтини ҳам аямайди. Бу ҳолат аёлнинг қалбидаги ински (ҳис-уйғуси) бўлиб, болани она ҳам даволаши мумкин. Бунинг учун фақат меҳрга тўла қалб талаб этилади, халос. Афсуски 21-асрда она меҳри муҳаббатини топиш қийин бўлиб бормоқда. Меҳр-муҳаббат антропологиясида “она меҳри сигменти” қуйидагича:

1. Она меҳри витамини. Ушбу оддий сўзлар билан она бола организмни фойдали витамин билан тўйдира олади: «Сен менинг ҳаётимдаги энг керакли инсонсан. Сен мен учун қадрлисан. Мен сенсиз яшай олмайман. Даданг ва Онанг сени жуда яхши кўрамиз!» Фарзанднинг ота-онаси меҳр-муҳаббатининг ошиб боришига олиб келадиган ижтимоий жараён.

2. Онанинг меҳр-муҳаббат терапия. Енгил касалликларда даво воситаси: «Сен жуда кучлисан ва соғломсан. Сенинг юрагинг, тананг ва қорнинг кучли ва соғлом. Сен яхши овқатланасан ва соғлом ривожланасан. Сен жуда кам касал бўласан.» дея болани ҳаётга бўлган меҳр-муҳаббатини ошириш ва кучли соғлом фикрлаш, фарзандини

идеасини ғояларини мақсадларини қўллаб-қувватлаш ижтимоий-антропологик жараёндир.

3. Онанинг боласига меҳр-муҳаббат-психологик кўмаги. Боланинг психикаси синмаслиги учун унга озуқа бериб туриш лозим. «Сен ёқимли боласан. Яхши ухлайсан. Асабий эмассан. Сабр-тоқатли ва ақлли боласан. Тилинг яхши ривожланган. Миянг яхши ишлайди. Сенда ҳаммаси яхши бўлади.» деб она болага психологик куч беради

4. Онанинг меҳр-муҳаббати Бола учун- Кучли зарба. Бола қаттиқ касал бўлганида дори воситаларидан ташқари онанинг меҳр ва эътибори ниҳоятда керак. Она ўзининг ширин сўзу-меҳри билан касалликка зарба бериши лозим. «Сени жуда яхши кўраман. Сен бизга кераксан. Касалликларинг йўқ бўлиб кетсин. Касаллигингни олиб ташлаб юбораман. Қийналганларингни олиб унутиб юбораман.» Бола ота-онасидан ҳадеб танбеҳ эшитаверса, касал бўлиши осон бўлиб қолади. Ота-онаси ишонмаган, урушган болани тузалиши қийинроқ кечади.

5. “Она боласиз, бола онасиз яшай олмаслик” формуласини ишлаб чиқиш: Ота-она болага чарчов, алам ва ранжиш кўзлари билан қараса, боланинг ҳаётида омадсизликлар ва касалликлар кўп юз беради. Бу тасдиқланган психологик фактор. Болалар ота-она билан бирга яшаши, ўсиши, ҳаёт жараёнида бахтлиликни келтириб чиқарадиган ижтимоий-антропологик жараён. Ҳар куни болага камида 3 марта ота-она меҳрга тўла сўзларни айтиши лозим. Бола онасининг гапларини ҳис этиб қабул қилиши керак. Касал бўлган болага эса, бундан 10 баробар кўпроқ меҳр ва эътибор талаб этилади. Болага ҳар доим, «Мен сени яхши кўраман», деб юришга одатлани бугунги оилалардаги фарзанд тарбиясидаги меҳр-муҳаббат антропологияси сифатида ўрганилади. [3:34]

Инсон – ҳаёт гултожи. Унинг қадри, ҳурмати ҳар доим эъзозга лойиқ. Кексаларни ардоқлаш, иззат-ҳурмат қилиш, кўмакка муҳтожларнинг ҳурматини жойига қўйиш қон-қонимизга сингиб кетган фазилят. Айниқса, ўтганларни хотирлаш, азиз отахон-у онахонларнинг дуосини олмоқлик саодати ўзгача.

## ХУЛОСА

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сонли Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, аҳоли соғлигини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган аниқ дастурларни амалиётга жорий этиш, ёшлар, аёллар ва кексаларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб қилиш ва уларни жисмоний



фаоллигини ошириш учун кўшимча шарт шароитлар яратилди. Аҳолининг узок умр кўриш давомийлигини таъминлаш долзарб масалалардан биридир. Зеро, ушбу кўрсаткич инсонларнинг соғлом турмуш тарзи ва фаровон ҳаёти ифодасидир. Шу ўринда соғлом турмуш тарзи нима, унга амал қилиш меъёрлари қандай, юртимизда соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар нималардан иборат, каби саволлар туғилади. Ўзбекистон миқёсида энги узок умр кўрганлар сони бугунги кунга келиб (100 ёшдан ошган ) 15 дан ортиқ кишини ташкил қилганлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳақиқатдан ҳам республика миқёсида ўртача ёшни ошириш давлат даражасидаги масала сифатида кўрилиши бежизга эмасдир.

Бизга маълумки тарбия-авлодлараро ижтимоий-тарихий ва ҳаётий тажрибани узатишга хизмат қилувчи, оила, таълим муассасалари, ижтимоий, сиёсий ва бошқа ташкилотлар, ОАВ ва бошқалар таъсири остида жисмонан соғлом, маънан баркамол инсонни шакллантирувчи ва такомиллаштирувчи узлуксиз жараён ҳисобланади. Юксак маънавиятни тарбиялаш воситаси ҳисобланган, муайян шахс, жамоа, муайян гуруҳ, жамият, миллатда жисмоний баркамоллик, руҳий, ахлоқий, маънавий етуклик каби сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий таълим-тарбия жараёнини ифодаловчи тушунча бу- маънавий тарбиядир. Маънавий тарбия кенг маънода инсон шахсини шакллантиришга, унинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий, маданий, маърифий ҳаётда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган барча маънавий таъсирлар, тадбирлар, ҳаракатлар, интилишлар йиғиндисини ифодалайди.

Ўзбек халқи ҳеч қачон бировга бош эгмаган, ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч кимдан кам бўлмайди ҳам. Ёшларимиз, заминимизда яшаётган ҳар бир фуқаро қалбидан шу юрт, шу халқ билан ғурурланиш, унинг келажаги, фаровонлиги йўлида қайғуриш, куюнчаклик ҳислари чуқур илдиз отмоғи лозим. Зеро, ҳар қандай миллатни, шу халқни улуғлаш учун яшаши керак. Ана шу туйғуни қалбида жо қилган, шу ғоя атрофида бирлашаган халқни ҳеч қандай куч енголмайди.

## REFERENCES

1. Махмуд Аз-Замахшарий. (2007) Ал-мафассал. *ЎзР ФА Шарқшунослик институти.* ( 420-423)–Б 54-58.
2. Абдурауф Фитрат. (1998) «Оила ёки оилани бошқариш тартиби». Т., «Маънавият», 28-бет.
3. Ҳусайн Воиз Кошифий (1996) «Ахлоқи Мухсиний», *Тошкент, «Маънавият»,* 34-бет.
4. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал Бухорий. Ҳадис. 2. томлик –Т.:Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008.65-Б